



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил  
30 январдаги 67-сонли “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида  
замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш  
тўғрисида”ги қарори ҳақида

Кўп квартирали уйларни бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация  
технологияларини жорий этиш, кўп квартирали уйларни сақлаш билан боғлиқ  
ҳаражатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритишда очиқлик ва шаффофликни  
таъминлаш ҳамда аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил  
30 январдаги 67-сонли “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида  
замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги  
қарори ижро учун рақабатликка олдинси.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг юқорида атаб  
ўтилган қарори асосида:

а) Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “2017-2019 йилларда  
Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманини комплекс ривожлантириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 12 декабрдаги 400-сон қарорига мувофиқ  
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасы  
маблаглари ҳисобига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида мажбурий  
бадалларнинг ҳисоб-китобини юритиш ва ахборот-маслаҳат олиш имконини  
берадиган биллинг тизими – “Обод уй” электрон дастури (кейинги ўринларда  
“Обод уй” электрон дастури деб аталади) ишлаб чиқилганлиги ва Тошкент  
шаҳрининг Мирзо Улугбек туманида намунавий тарзда жорий этилиб, синовдан  
муваффақиятли ўтганлиги;

“Обод уй” электрон дастурини республиканинг барча шаҳар ва  
туманларда кенг жорий этиш мақсадида ушбу дастур ва унинг барча дастурий  
таъминот базаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги  
“UNICON.UZ” давлат унитар корхонаси ҳамда “Smart technologies group”  
масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой  
коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига бепул топширилганлиги маълумот

учун қабул қилинганлиги;

б) Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида “Обод уй” электрон  
дастурини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ  
тасдиқланганлиги;


в) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ва Ўзбекистон Миллий  
ахборот агентлигига Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги,  
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент  
шаҳар ҳокимликлари билан биргалликда “Обод уй” электрон дастурдан  
фойдаланишнинг қулайликлари ва афзалликларини доимий равишда оммавий  
ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул  
қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида кўп квартирали уйларни  
бошқариш тизимида “Обод уй” электрон дастурини жорий этиш бўйича  
чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясига ва Қорақалпоғистон ахборот  
агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
вазирлиги, Нўкус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан биргалликда  
“Обод уй” электрон дастурдан фойдаланишнинг қулайликлари ва  
афзалликларини доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш  
тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон  
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ж.Ембергенов  
зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К. Сариев

Қўп квартиралли уйларни бошқариш тизимига “Обод уй” электрон дастурини жорий этиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| Т/р   | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли ва механизми  | Бажариш муддати                      | Масъул бажарувчи   |
|---|--|---|--------------------------------------|--|
| <b>I. Электрон дастурни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар</b> |  |   |                                      |  |
| 1.  | “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиалларига “Обод уй” электрон дастурини жорий этиш.  | 1. “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиалларига белгиланган тартибда “Обод уй” электрон дастурининг логин ва паролларини тақдим этиш.<br><br>2. “Обод уй” электрон дастурининг узлуксиз равишда самарали ишлаши учун уни техник томондан қўллаб-қувватлаш чораларини қўриш. | 2019 йил 1 май<br><br>Доимий равишда | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари<br><br>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев) |
| 2.  | Республикадаги мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар бўйича барча қўп квартиралли уйлардаги квартираларни “Обод уй” электрон дастури билан камраб олиш. | Қўп квартиралли уйларни квартиралар бўйича хатловдан ўтказиш орқали маълумотлар базасини шакллантириш, уларни “Обод уй” электрон дастури тизимига киритиш.  | 2019 йил 1 май                       | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари   |

| Т/р | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли ва механизми  | Бажариш муддати                       | Масъул бажарувчи   |
|-----|--|---|---------------------------------------|--|
| 3.  | “Обод уй” электрон дастури қўчмас мулк кадастрининг биллинг тизимига интеграция қилинишини таъминлаш ҳамда тўловларни Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали онлайн тарзда амалга ошириш.                                  | Бош келишув ва техник лойиҳага асосан тадбирларни амалга ошириш.  | 2019 йил 1 апрель                     | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Марказий банк (Нурмуратов), “Давергеодезкадастр” қўмитаси (Абдуллаев)  |
| 4.  | “Обод уй” электрон дастурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларга тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш механизмини яратиш. | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан тижорат банкларидан олинган кредитларнинг сарфланишини доимий равишда “Обод уй” электрон дастурига киритиб бориш ва шу орқали кредитлар хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан сарфланишини назорат қилиш.  | Доимий равишда                        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Марказий банк (Нурмуратов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 5.  | Қўп квартиралли уйларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритишда очиклик ва шаффофликни таъминлаш.  | 1. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан ўтказиладиган умумий йиғилишлар тўғрисидаги ва бошқа эълонлар, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар ва йиллик харажатлар сметаларини “Обод уй” электрон дастури орқали аҳолига етказиш мақсадида қўшимча дастурий таъминотни яратиш;<br><br>2. “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиаллари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва | 2019 йил 1 июнь<br><br>Доимий равишда | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)<br><br>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Қорақалпоғистон  |

| Т/р | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш шакли ва механизми  | Бажариш муддати   | Масъул бажарувчи   |
|-----|---|---|-------------------|--|
|     |   | бошқарувчи ташкилотлар томонидан ўтказиладиган умумий йиғилишлар тўғрисидаги ва бошқа эълонлар, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар ва йиллик харажатлар сметалари “Обод уй” электрон дастурига хиритиб борилишини таъминлаш.  |                   | Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари   |
| 6.  | Кўп квартиралли уйлардаги квартиралар эгалари томонидан тўланаётган мажбурий бадаллар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотларни “Обод уй” электрон дастури орқали хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритувчи дастурий таъминотга интеграция тарзда қабул қилиш. | “Обод уй” электрон дастури хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисобини юритувчи дастурий таъминотга интеграция қилиш.   | 2019 йил 1 апрель | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)   |
| 7.  | “Обод уй” электрон дастурида кўп квартиралли уйларни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг атроф ҳудудларида қуриладиган қўшимча қурилишлар (болалар майдончалари, айвонли тандирхоналар ва шу кабилар) тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш тизимини ишлаб чиқиш.  | “Обод уй” электрон дастурига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан кўп квартиралли уйларни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг атрофидаги ҳудудларда қуриладиган қўшимча қурилишлар (болалар майдончалари, айвонли тандирхоналар ва шу кабилар) тўғрисида тўлиқ маълумотлар киритиб борилишини таъминлаш. | Доимий равишда    | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р  | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш шакли ва механизми  | Бажариш муддати       | Масъул бажарувчи   |
|--|---|---|-----------------------|--|
| 8.   | Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида “Обод уй” электрон дастурининг мобил иловасини яратиш.  | “Обод уй” электрон дастурининг мобил иловасини яратиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш.   | 2019 йил 1 апрель     | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)   |
| 9.   | “Обод уй” электрон дастурининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қўшимча хизматлар кўрсатиш орқали ушбу дастурининг ишлаш самарадорлигини янада ошириш.           | Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қўшимча хизматлар кўрсатиш учун ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш.  | Доимий равишда        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)   |
| <b>II. “Обод уй” электрон дастуридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш</b> |   |   |                       |  |
| 10.  | “Обод уй” электрон дастуридан фойдаланиш бўйича “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиаллари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш. | “Қоммуналўқув” ўқув-услугий маркази давлат унитар корхонасида “Обод уй” электрон дастуридан фойдаланиш бўйича “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиаллари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш.   | Жадвал асосида        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)   |
| 11.  | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар ходимлари учун “Обод уй” электрон дастуридан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ўтказиш.              | Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси томонидан жойларда “Обод уй” электрон дастуридан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш. | Йиллик режага мувофиқ | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) |

| Т/р   | Тадбирлар номи  | Амалга ошириш шакли ва механизми   | Бажариш муддати                             | Масъул бажарувчи  |
|---|---|--|---|---|
| 12.   | “Обод уй” электрон дастурини аҳоли орасида тарғибот қилиш ишларини олиб бориш.  | “Обод уй” электрон дастурининг қулайлик ва афзалликлари ҳамда ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминлаш.  | Доимий равишда                              | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев),<br>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев),<br>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов),<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| <b>III. “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиаллари фаолиятини янада ривожлантириш</b> |   |  |   |   |
| 13.   | “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиаллари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | Республикадаги барча “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг филиалларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижаларига кўра:<br><br>“Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ташкил қилинмаган шаҳар ва туманларда, зарур ҳолларда, туманлараро “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари филиалларини ташкил қилиш; | 2019 йил<br>1 май<br><br>2019 йил<br>15 май | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев),<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари   |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш шакли ва механизми   | Бажариш муддати    | Масъул бажарувчи   |
|-----|----------------|--|--------------------|--|
|     |                | ташкил қилинадиган ва фаолият юритаётган “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналарини тегишли равишда фаолият кўрсатиш учун бино ёки хоналар билан таъминлаш чораларини кўриш;                | 2019 йил<br>20 май | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳар ва туман ҳокимликлари |
|     |                | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобига “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналарини зарур компьютер жамланмалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш. | 2019 йил<br>1 июнь | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Салиев)   |



Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудда кўп квартирали уйлари бошқариш тизимига  
«Обод уй» электрон дастурини жорий этиш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| №   | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли ва механизми   | Бажариш муддати   | Масъул бажарувчи  |
|---|--|--|-------------------|---|
| <b>I. Электрон дастурни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар</b> |  |  |                   |   |
| 1.  | «Ягона ҳисоб-китоб маркази» давлат унитар корхонаси ва унинг филиалларига «Обод уй» электрон дастурини жорий этиш.   | «Ягона ҳисоб-китоб маркази» давлат унитар корхонаси ва унинг филиалларига белгиланган тартибда «Обод уй» электрон дастурининг логин ва паролларини тақдим этилишини таъминлаш.   | 2019 йил<br>1 май | Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари                       |
| 2.  | Республикадаги мавжуд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар бўйича барча кўп квартирали уйлардаги квартираларни «Обод уй» электрон дастури билан қамраб олиш.  | Кўп квартирали уйлари квартиралар бўйича ҳагловдан ўтказиш орқали маълумотлар базасини шакллантириш, уларни «Обод уй» электрон дастури тизимига киритиш.   | 2019 йил<br>1 май | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари  |
| 3.  | «Обод уй» электрон дастурида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларга тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағлари мақсадли ва самарали сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш механизмини яратиш. | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан тижорат банкларидан олинган кредитларнинг сарфланишини доимий равишда «Обод уй» электрон дастурига киритиб бориш ва шу орқали кредитлар хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан сарфланишини назорат қилиш. | Доимий равишда    | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Марказий банкнинг ҚР Бош бошқармаси (Б.Алланязов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари |
| 4.  | Кўп квартирали уйлари сақлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритишда очиқлик за шаффофликни таъминлаш.  | «Ягона ҳисоб-китоб маркази» давлат унитар корхонаси ва унинг филиаллари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан ўтказиладиган умумий йиғилишлар  | Доимий равишда    | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари  |

| №  | Тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли ва механизми  | Бажариш муддати       | Масъул бажарувчи   |
|--|--|---|-----------------------|--|
|  |  | тўғрисидаги ва бошқа эълонлар, йиғилиш баённомалари, ҳисоботлар ва йиллик харажатлар сметалари «Обод уй» электрон дастурига киритиб борилишини таъминлаш.   |                       |  |
| 5.   | «Обод уй» электрон дастурида кўп квартирали уйлари жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг атроф ҳудудларида қуриладиган қўшимча қурилишлар (болалар майдончалари, айвонли тандирхоналар ва шу кабилар) тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш тизимини ишлаб чиқиш. | «Обод уй» электрон дастурига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан кўп квартирали уйлари жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг атрофидаги ҳудудларда қуриладиган қўшимча қурилишлар (болалар майдончалари, айвонли тандирхоналар ва шу кабилар) тўғрисида тўлиқ маълумотлар киритиб борилишини таъминлаш. | Доимий равишда        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари   |
| <b>II. «Обод уй» электрон дастуридан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш</b> |  |   |                       |  |
| 6.   | Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар ходимлари учун «Обод уй» электрон дастуридан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ўтказиш.   | Жойларда «Обод уй» электрон дастуридан фойдаланиш бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш.  | Йиллик режага мувофиқ | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари   |
| 7.   | «Обод уй» электрон дастурини аҳоли орасида тарғибот қилиш ишларини олиб бориш.   | «Обод уй» электрон дастурининг қулайлик ва афзалликлари ҳамда ундан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминлаш.   | Доимий равишда        | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Р.Сейтов), Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси (Б.Елманов), Қорақалпоғистон ахборот агентлиги (Б.Нурабуллаев), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари |